

**“Ўзагроинспексия” томонидан 2024-йилнинг I ярим йиллигида
амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий
М А Ё Л У М О Т**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспексияси томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан ҳисобот даврида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя қилиниши ва ижроси юзасидан 9 058 та текширишлар ўтказилган.

Текширишлар давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Инспексия ваколлати доирасида ҳуқуқбузарларга нисбатан 4 052 та ҳолатда 643,4 млн сўм маъмурий жарималар қўлланилган.

Шу билан бирга, 1 747 та тақдимномалар тегишли ташкилот ва идораларга киритилди, 853 та материаллар қонуний қарор қабул қилиш учун суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида 1 418 та ўтказилган ўрганишлар давомида жами 274,2 гектар ерларда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ўзбошимчалик билан қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилганлиги сабабли 184 млрд 854 млн сўм миқдорида қишлоқ хўжалигига етказилган зарар ҳисобланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 820 та прокуратура органларига 341 та ИИБ ҳудудий бўлинмаларига чора кўриш учун, 209 та ҳолатда бошқа ташкилотларга, 9 та ҳолатда ердан фойдаланувчиларга огоҳлантириш хатлари юборилган ва 39 та ҳолатда судга даво аризалари киритилди.

2024 йил ҳосили учун уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида 3 330 та субъектлар томонидан 120,4 минг гектар майдонга ҳужжатлар топширилган. Шундан, 2 945 та субъектлар 95,2 минг гектар майдонга танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилиб, 382 та субъектларнинг 25,1 минг гектар майдонлари танловдан ўтмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 15-декабрдаги ПҚ-391-сонли қарори ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари жорий йилда 101,4 минг гектар майдонга ғўзанинг хорижий нав ва дурагайларини экиш режалаштирилиб, амалда 4808 та хўжалик субъектлари томонидан 95,8 минг гектар майдонга экилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПҚ-106-сонли қарори ижроси бўйича 2024-йил ҳосилидан уруғлик дон етиштирувчи 2 956 нафар субъектларнинг 85,8 минг гектар уруғлик ғалла майдонларида 4 маратоба мониторинг кузатув ишлари ўтказилди. Мониторинг

натижасида 4,3 минг гектар уруғлик майдонлар турли сабабларга кўра уруғлик ҳисобидан чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сонли қарор Низомига мувофиқ жорий йилда 122 та туманда тузилган апробатсия комиссиялари томонидан 2 894 нафар уруғчилик хўжаликларининг 82,7 минг гектар майдонларида дала апробатсия кўриги ўтказилиши назорат қилиб борилди, натижада 2 685 нафар хўжаликларнинг 66,5 минг гектар ёки 80,5 фоиз майдони яроқли ҳамда қолган 16,1 минг гектар ёки 19,5 фоиз майдонлар яроқсиз деб топилди.

Апробатсия кўригида яроқли деб топилган майдонлардаги уруғлик ғаллани ўриш ишлари назоратга олинган бўлиб, бугунги кунга қадар 57,3 минг гектар ёки 68,2 фоиз майдонларда уруғлик ғаллани ўриш ишлари бажарилган.

Жорий йилда 29 та ёғ-мой корхоналарида ўтказилган назорат тадбирларида

13 таси пахта техник чигитини қайта ишлайдиган ёғ-мой корхоналари қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлиги, 16 таси белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланди ва Республика товар-хом ашё биржасига хатлар киритилди.

Республикадаги 196 та дон қабул қилиш қувватига эга корхоналарда мавжуд 4 203 минг тонна дон сақлаш сиғимлари, 1 680 минг кв.м асфалт майдонлари, 197 та синов лабораториялари, 278 та автомобил ва вагон тарозилари, 123 та дон тозалаш машиналари ва 725 та транспортерлар ҳамда дон тушириш мосламалари мавсумга тайёрлиги мониторинг қилиниб, тегишли хулосалар расмийлаштирилди.

Дон қабул қилувчи корхоналар ва шаҳобчаларда 2022-2023 йиллар ҳосилидан сақланаётган буғдой миқдорлари ҳажмий ўлчовдан ўтказиш натижаларига кўра, жами 48 та, шундан, “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги 35 та, хусусийлаштирилган 9 та дон корхоналари ва 4 та ғаллачилик кластерларида жами 2 375,4 минг тонна, шундан Жамғарма ҳисобида 1 725,1 минг тонна, вақтинча сақлашда 50,3 минг тонна ва давлат захирасида 600 минг тонна буғдой дони ҳажмий ўлчаниб, умумлаштирилган маълумотлар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Давлат эҳтиёжлари учун сақланаётган буғдой ўрнатилган тартибда хатловдан ўтказилиб, “нол”га тозалаш ишлари “Ўзагроинспексия”, “Ўздавзаҳира” кўмитаси ҳамда “Ўздонмахсулот” АК томонидан дон корхоналарида

2022-2023 йиллар ҳосилидан давлат ресурсида сақланаётган 63 та корхона ва шаҳобчалардаги сақланаётган 642 172 тонна буғдой хатловдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 11-июндаги 325-сонли қарори ижроси юзасидан 2024 йил учун давлат ресурсига қабул қилинган бошоқли дон 1 июл ҳолатига жами физик вазнда 2 млн. 422 минг 550 тонна бошоқли дон қабул қилинди.

Шундан, тайёрланган буғдойнинг 2 млн. 226 минг 654 тоннаси ёки 92,7 фоизи 3-синфга, 5 596 тоннаси ёки 0,2 фоизи 4-синфга, 170 344 тоннаси ёки 7,1 фоизи 5-синфга қабул қилинишига эришилди.

Дон топширувчи ва қабул қилувчи корхоналар ўртасида доннинг сифати ва синфи бўйича юзага келган 157 та низоли масалалар жойида ҳал этилди.

2024-йил январ-июн ойларида 14,3 минг тонна табиий йўқотиш миқдори иқтисод қилинди.

Шу билан бирга, Қишлоқ хўжалиги, мелиоратсия ва йўл қурилиш техникаларини техник ҳолатини улардан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек, сервис ва таъмирлаш хизматларининг сифати устидан қатъий назорат олиб борилмоқда.

Хусусан, 15 338 дона қишлоқ хўжалиги, мелиоратсия ва йўл қурилиш техникалари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Техникаларга 16 278 дона давлат рақам белгиси, 40 382 дона техник паспорт ва 6 937 дона техник гувоҳнома расмийлаштирилди ва 83 954 дона техника йиллик техник кўриқдан ўтказилди.

Баҳорги дала ишларида қатнашадиган 163 мингга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда 3 176 дона комбайнларни мавсумга тайёрлаш ишлари ташкил этилиб, уларни сифатли таъмирлаш ишлари устидан назорат ўрнатилди.

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотлари тамомлаган 7 821 нафар ёшларга тракторчи-машинист гувоҳномаси берилди.

Ягона интерактив давлат хизмати портали орқали техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматини кўрсатиш амалиётга жорий этилди.

Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали орқали Марказий аппарат номенклатурасидаги бўш иш ўринларига ўтказилган танловлар орқали 111 нафар номзодлар лавозимларга тайинланган.

Шунингдек, лавозимларга тайинланган ва озод этилган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича “Ягона миллий меҳнат тизими” дастурий аппарат комплекцига ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан кадрлар билан ишлаш фаолиятини рақамлаштириш бўйича дастурий таъминот “ХРМ.АРГОС.УЗ” платформасига ходимлар тўғрисида маълумотлар, ходимларнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижалари киритилмоқда.